

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТ**

**Қўлёзма ҳуқуқи
УДК:336.2**

НОРМУРЗАЕВ УМИД ХОЛМУРЗАЕВИЧ

**СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ:
НАЗАРИЯ, МЕТОДОЛОГИЯ ВА АМАЛИЁТ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган**

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий консультант: и.ф.д., проф. З.Н.Қурбанов

Тошкент- 2022 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ҲАМДА НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	16
1.1-§. Солиқ имтиёзларининг юзага келиш эволюцияси ва унинг иқтисодий моҳияти.....	16
1.2-§. Иқтисодиётни тартибга солишда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда хориж тажрибаси.....	31
1.3-§. Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари.....	47
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	77
II БОБ СОЛИҚ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ	79
2.1-§. Фойда, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича имтиёзларни самарадорлиги таҳлили механизми ва ўзгариш тенденциялари.....	79
2.2-§. Рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш тизимини шакллантиришда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни тартибга солиш.....	104
2.3-§. Эркин иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларига солиқ имтиёзлари беришнинг хусусиятлари.....	115
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	125
III БОБ СОЛИҚЛАР ТЎЛАШ ҲАМДА ОРТИҚЧА ТЎЛОВЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	129
3.1-§. Иқтисодиёт тармоқларга молиявий аҳволини яхшилаш инқироз ҳолатларини юмшатиш бўйича солиқларни бўлиб тўлашни такомиллаштириш йўллари.....	129
3.2-§. Инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш учун берилган солиқ имтиёзлари ва уларни баҳолаш механизми.....	152
3.3-§. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ имтиёзларини тўғри самарали фойдаланиш назоратининг натижавий амалиёти.....	168
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	186
IV БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ ВА АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	188
4.1-§. Солиқ имтиёзлари ҳисобини юритиш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда имтиёзларидан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш методикаси.....	188

4.2-§.	Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзлари иқтисодий самарадорлигини эконометрик моделлаштириш орқали баҳолаш йўналишлари.....	218
4.3-§.	Пандемиянинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш йўллари.....	225
	Тўртинчи боб бўйича хулосалар.....	242
	ХУЛОСА.....	244
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИ.....	248
	ИЛОВАЛАР.....	263

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда солиқ имтиёзлари йирик ва кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳамда жисмоний шахсларнинг реал даромадларини давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. “Мисли кўрилмаган талаб ва таклиф зарбаларига қарамасдан, дунёнинг кўплаб ҳукуматлари курашаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва хусусий сектор ўсишини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзлари пакетларини тақдим этмоқда”¹. Бугунги кунда солиқ имтиёзларининг самарадорлигини аниқлаш, унинг давлат бюджетига ва фискал сиёсатига таъсирини баҳолаш каби масалаларнинг мавжудлиги ушбу соҳани такомиллаштиришни ва илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишни талаб этади.

Жаҳонда солиқ имтиёзларига бандликни ошириш, капитал ўтказмалари сонининг кўпайиши, илмий тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш, шунингдек, кам ривожланган ҳудудларни яхшилаш учун таъсири этувчи афзаллик сифатида қаралади. Бугунги кунда солиқ имтиёзлари концепциясини аниқлаш ва имтиёзлар самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ масалалар, фискал сиёсатининг солиқ йўналиши ва давлатнинг ижтимоий юкини камайтириш учун дастак сифатида солиқларнинг тартибга солиш функцияси, солиқ имтиёзларини таҳлил қилиш, уларни тизимлаштириш, самарадорликни баҳолаш ва оптималлаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда солиқ соҳасини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ ва йиғимларнинг йиғилувчанлигини ошириш ҳамда имтиёзларни тақдим қилиш борасидаги муаммоларнинг мавжудлиги солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, солиқ соҳасида қўшилган қиймат солиғини амалдаги

¹ Taxing Times: The Role of Investment Incentives in Economic Recovery and Growth. May 27, 2021. <https://www.worldbank.org/en/events/2021/05/05/taxing-times-the-role-of-incentives-in-economic-recovery-and-growth>